

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**
№ XY31380113

1. Loyihaning turi : Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: Buxoro shahar veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bo'limi bo'limi va "Uzbektelecom" AK Buxoro filiali o'rtasida tuzilgan telekommunikatsiya xizmatlari ko'rstish to'g'risida shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Buxoro shahar veterinariya va chorvachilikni rivojlantirish bo'limi tomonidan 2022-yil 15-yanvarda ishlab chiqilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Buxoro shahar yuridik
xizmat ko'rsatish markazi
bosh yuristkonsulti**



A.Axmedov
2022 yil 17-yanvar

224752284113 - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КУРСАТИШ ТУГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (Шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

12.01.2022 йил

Бухоро ш.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги уринларда - Компания) номидан 05.01.2021 йилдаги 27-01-14/16 – сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Бухоро филиали директори Турдиев Халил Жаҳонкулович (кейинги уринларда-Оператор) бир томондан ва BUXORO SHAHAR VETERINARIYA VA SHORVACHILIKNI RIVOJLANTIRISH BO'LIMI номидан Устав (Низом, руйхатга олинганлик тугрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи BUXORO SHAHAR VETERINARIYA VA SHORVACHILIKNI RIVOJLANTIRISH BO'LIMI (кейинги уринларда-Абонент) иккинчи томондан, (кейинги уринларда биргаликда-Томонлар) телекоммуникация хизматлар курсатилиши буйича куйидагилар хақида Абонент шартномасини (кейинги уринларда Шартнома) туздилар:

1.Шартнома предмети

1.1 .Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг W\W.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367- 369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини курсатиш тугрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи булган Оммавий офертаси (кейинги уринларда - Оферта) шартлари билан тулик танишиб чиканлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари курсатилиши тугрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан курсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс туловини амалга ошириши ва тулов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сузсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2.Томонлар Офертанинг 2-моддасида курсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сунг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. "Идентификация" рақами берилганидан сунг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар руйхати доирасида уз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс туловини амалга ошириши мумкин.

1.3.Хизмат курсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиккан ҳолда белгиланади.

2.Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.1.Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга булади.

2.2.Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга булади.

2.3.Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, уз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3.Х,исоб-китоб ва туловлар тартиби:

3.1. Мазкур Шартнома буйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) курсатилганидан кейин туловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари таъбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада курсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни уз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тулови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тулови 100 (бир юз) фоиз микдорида олдиндан туланади. Дастлабки аванс тулови олдиндан тулов буйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури буйича) курсатилган микдорга мувофиқ хар бир танланган хизмат тури учун асосида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти булган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури буйича) мувофиқ курсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (Қ,ҚСни ҳисобга олган ҳолда) 150000 (Бир юз эллик минг) сумни ташкил этади. Ушбу сумма 150000 (Бир юз эллик минг) сум микдоридаги Абонент туловини ҳамда _____ (_____) микдоридаги бир марталик туловни уз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар уртасида имзоланган қушимча келишув/тақдим этилган х,исоб-фактура асосида туланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида хар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида ушбу Шартномада курсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларшш утқишиш йули билан Оператор томонидан курсатилган хизматлар хақини тулайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар курсатиш учун етарли маблағ булмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида курсатилган муддатда хар ойлик ҳисоб-фактура буйича тулов амалга оширилмаган булса, Оператор ушбу Шартнома буйича хизматлар курсатилишини тухтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун туловларни амалга оширмаслигига асос була олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вақтинча тухтатишини, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган туловларнинг олдини олишини истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни иххйёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар қуринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун туланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида туланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9.Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ хар бир хизмат тури учун адоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Хар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тулик календарь ойи учун умумий микдори курсатилади.

3.9.1.Агар Абонент 10 (ун) иш кули мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура буйича уз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури буйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда курсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тулов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ун) иш кунн мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослангилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида қўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки ҳагги-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини қўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф қўринишидаги мурожаати қўпи билан 30 (уттиз) кун давомида қўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни қўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқиний Қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20 ____ йилга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20 ____ йилга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганилиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ун) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p style="text-align: center;">ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали</p> <p>Манзил: Бухоро ш., И.Муминов к., 2а Банк маълумотлари: х/р: 20210000804074838412 СТИР:203366731 МФО:00401 АТБ “Алокабанк” Тел: 1155 E-mail: _____</p> <p style="text-align: center;"></p>	<p style="text-align: center;">АБОНЕНТ: Бух. шах. ветер-рия ва чорв-ни ривожл булими</p> <p>Манзил: 200100, г. Бухоро, ул. Жондоршоҳ, д. 7 Банк маълумотлари: х/р: 22475 СТИР:202705444 МФО:00014 Банк номи: Г.ТАШКЕНТ, РКЦ ГЛ.ГОР.УПРАВЛЕНИЯ ЦБ ИНН:201122919 Тел: 652284113 E-mail: buxshahveterinariya@mail.uz</p> <p style="text-align: center;"></p>
<p>Оператор номидан:</p> <p style="text-align: center;"> Турдыев Халил Жаҳонқуллович /имзо/</p>	<p>Абонент номидан:</p> <p style="text-align: center;"> /имзо/</p>

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Рақам	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдор	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6	7
I. Бир марталик тўловлар						
II. Хар ойлик абонент тўловлари						
2.1	652284113	Абон. плата за основной ТА индивид. пользования на ЭАТС	6,900.00	Прейскурант	1	6,900.00
2.2	652284113	ДВО. Выявление по заявлению абонента вызывающего номера	1,456.00	Прейскурант	1	1,456.00
2.3	652284113	ДВО. Уведомление о поступлении нового вызова	1,800.00	Прейскурант	1	1,800.00
Жами (олдиндан тўлов)						10,156.00

Жами олдиндан тўлов миқдори 10156 сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 10,156.00 сўмни ташкил этади. Ундан 10,156.00 сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда 0.00 сўм бир мартабалик уланиши учун рўйхатга олиш тўлови. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган ҳолларда ортикча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар ҳисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

ОПЕРАТОР:
“Ўзбектелеком” АК
Бухоро филиали

АБОНЕНТ:
Бух. шах.ветер-рия ва чорв-ни ривожл булими

Оператор номидан:

Абонент номидан:

/имзо/
Турдиси Халил Жахонкулович
м.у.



/имзо/
м.у.

